

Кизни кандай топишганини мен кейинрок билдим.

Бу малласоч киз эндигина ўн саккизга кирган эди. Унинг танасида зўравонлик излари бўлиб, кўйлаги йиртилган, юзида эса бефойда каршилиқдан кейинги дахшат котиб колган, кафтлари худди ниманидир чангаллаб олгандек эди.

Жасадни топган политсиячилар тор кўчанинг бурчагида туришар, уларнинг кўлчирикларидан тушаётган нурлар кизнинг томогидаги кўкариб кетган излар ва кўзларида котиб колган дахшат ифодасини ёритарди.

Политсиячилардан бири бошини чайкади ва деди:

-Ех, бу ёшлар!

Иккинчиси эса сўкинди ва шерифга жасад топилгани хакида ратсия оркали хабар берди.

Бу маълумотларни мен кейинрок, хисобот тайёрлаётганимда билдим. Дастлаб Марсия менга кўнгирик килганида унинг овозида ваҳима охангини сездим. Эсимда, телефон жиринглаганида Энн бикинимга туртди ва деди:

-Азизим, гўшакни олгин.

Мен каравотдан тушиб, чирокни ёқдим. Соат тунги икки яримни кўрсатиб турарди.

-Жин урсин!-тўнгилладим Эннга караганча.

-Хечкиси йўк,-деди у.

Мен ярим кечаси кўнгирик килиб одамнинг асабини бузадиганларни мингирлаб сўкканча кизим Бетнинг хонаси ёнидан ўтдим. Зина бўйлаб пастга тушарканман, телефон хали хам жиринглашдан тўхтамасди. Телефон ёнига етиб келишим билан гўшакни олдим.

-Алло!-дедим норози охангда.

-Дейв?-деди аёл киши.

-Ха,-дедим.-Ким бу?

-Марсия. Дейв, Харли кийин ахволда.

Мен хали хам уйкусирардим.

-Ким?-тушунмадим мен.

-Харли, эрим,-деди аёл.-Политсия... энагамиз...

-Тўхта, Марсия. Канака ахволда?

-Уларнинг айтишича... Харли энагамизни ўлдирганмиш... Дейв...

-Нима?!

-Ха, Дейв. Уни олиб кетишди. У сенга кўнгирик килишимни сўради. У...

-Каерга олиб кетишди?

-Шерифнинг бошкармасига, Дейв. Жинни бўлиб коламан! У... у бундай кила олмайди, Дейв! Биласан-ку! У...

-Албатта биламан.-Энди бутунлай ўзимга келгандим.-Хозирок ўша ерга жўнайман, Марсия. Хавотирланма. Кийинаман-у жўнайман.

-Рахмат, Дейв. Рахмат.

-Шошилишим керак. Сенга кейинрок кўнгирик киламан.

-Яхши, Дейв. Рахмат.

Гўшакни кўйиб, зинадан кўтарилдим ва кийина бошладим. Энн сўради:

-Каерга кетяпсан?

-Шерифнинг идорасига. Харлини ўша ерга олиб кетишибди. Энагаларини ўлдиришда айблашяпти экан.

-Бемаънилиқ!-деди Энн.

-Биламан. Аммо иш жиддийга ўхшайди.

-Ўзинг сакла Худойим!

Мен кийиниб, у ёк-бу ёгимни тўғриладим. Сўнг ётоқхонага кайтиб уни ўпдим ва дедим:

-Тезда кайтаман, азизам.

-Яхши,-деди Энн,-ехтиёт бўл.

Йўлакка чикиб Бетнинг хонаси эшигини очдим. У ўн олти ёшга тўлганди. Мен оёқларим учида юриб бориб, очилиб колган кўрпани унинг устига ёпдим, сўнг пешонасидан ўпиб кўйдим. Хонадан аста чикиб гаражга кирдим ва машинани миниб йўлга тушдим.

\*\*\*

Бошкармага келганимда шахсан шерифнинг ўзи мени кутиб олди. У Харли билан ҳеч кимнинг учрашишга ҳақки йўқлигини айтди, аммо мен унинг адвокати эканлигимни айтгач, у учрашув учун озгина вақт берди. У мени бинонинг орка тарафига бошлаб борди, камераларга олиб боровчи панжарали эшикни очди, сўнг Харлининг камерасигача кузатиб кўйди.

Харли шериф кетмагунича бир огиз хам гапирмади. Кейин олдимга келди.

-Дейв, хайрият, келибсан!

-Нима гап?-сўрадим мен ва унга сигарет узатдим. У сигаретни ютокиб тутатди. Сўнг тутун пуфлаганча деди:

-Дейв, улар мени нохак айблашяпти.

-Канакасига?

У яна сигарет тутунини ютоқканча ичига тортди.

-Бугун тунда топишган киз бўйича. Уларни кимдир кистовга олган, энди эса улар айбни менинг бўйнимга кўйишмокчи.

-Бўпти, хаммасини бошидан гапириб бер-чи.

Харли бош силкиди:

-Албатта. Албатта.

У чуқур уф тортди.

-Бугун биз Марсия билан айлангани чикдик. Кино кўрдик, бир-икки стакан ичдик.

Тўғрироги, уч стакандан мартини ичдик.

-Давом эт.

-Ярим тунга якин уйга кайтдик. Болаларимизга Шейла Кейн исмли киз караб туради. Биз доим уни чакирамыз. Биз келганимизда у ухлаётган экан. Марсия уни уйготди, мен унга хакини бердим, сўнг машинамга чикардим. У шахарнинг нариги тарафида туради. Уни доим уйига олиб бориб кўяман.

-Кейин-чи?

-Уни тўғри уйига олиб бордим. Машинадан тушириб, ортимга кайтдим. Сигарет сотиб олиш учун барга кирдим. Кейин уйимга кайтдим.-У жим бўлиб колди. Сўнг гапида давом этди:-Бир соатдан кейин политсиячилар эшигимни такилллатишди. Айтишларича, киз зўрланган, кейин ўлдирилган. Унинг ота-онаси эса киз бизникида бўлганлигини айтишган.

-Тушунмадим. Политсия нима учун котилликда сени айбляпти?

-Ёндиргичим. Уни кизнинг жасади ёнидан топишган.

Мен Харлига диккат билан тикилдим.

-Канакасига?

-У чекарди,-деди у елкасини кисганча.-Жин урсин, Дейв, у ўн саккизга кирган киз эди! Уни уйига олиб кетаётганимда чеккиси келди. Ёндиргичимни бердим. У ёндиргични кайтаришни эсидан чикарган.

-Анави сен сигарет олгани кирган барда сени бирортаси кўрдими?

-Билмадим. У ерда доим кино кўриб ўтиришади. Филм жуда кизик бўлаётган экан. Кираётганларга хам, чикаётганларга хам ҳеч ким эътибор бермаётганди. Мен эшик ёнидаги автоматдан сигарет олдим ва чикиб кетдим.

-Сен кизни олиб бориб кўйганингда унинг уйига кириб кетишини кутиб турмадингми?-сўрадим мен.

Харли эслашга тиришди.

-Йўк,-деди у нихоят.

-Одатда кутармидинг?

-Баъзида кутардим, баъзида йўк. Мен чарчагандим, Дейв. Уйга тезрок боргим келаётувди. Жин урсин, бунака бўлишини ким хам билибди!

-Жасадни каердан топишган?

-Уйидан бир неча квартал наридаги кўчадан.

-Ёндиргичингни-чи?

-Унинг ёнида ётган экан. Политсиянинг айтишича, мен кизни машинадан ташлаётганимда тушиб колган эмиш. Э Худойим! Дейв, нахотки улар менга тухмат килишаётганини кўрмаяпсан?

-Шунакага ўхшайди,-дедим мен.-Ишкилиб, сени халиги барда бирортаси кўрган бўлсин-да!

-Тупурдим барига! Мен бор-йўги ўн беш дакика йўк бўлганман, холос. Беш дакика кизни уйига олиб боришга, беш дакика уйга кайтишга кетган. Дейв, агар шундай килишни истаганимда хам бунга улгурмасдим.

-Уйда ўн беш дакикача бўлмаганингни Марсиядан бошка яна бирортаси билладими?

Харли инкор маъносида бош чайкади.

-Унинг ўзи хам билмайди, Дейв. Мен уйга кайтганимда у ухлаб ётганди. Жин урсин, кандай бемаънилик!

-Сени котилликда гумон килиб хибсга олишдими?

-Ха,-деди Харли маъюслик билан.-Уларга айбдор керак.

-Ташвишланма,-тинчлантирдим уни.-Балки эплармиз.

\*\*\*

Бу мен адвокат сифатида катнашган энг огир суд жараёнларидан бири бўлди. Округ прокурори хакамлик суди асосан аёллардан иборат бўлишига эришганди. Аёллар зўрлаган жиноятчидан жудаям нафратланишади. Демак, мен тўккиз нафар аёлга карши тайёргарлик кўришим керак. Суд таркибида бор-йўги уч нафар эркак бор эди. Суд беш кун давом этди. Округ прокурори далилларни шундай мохирлик билан келтирдикки, суднинг ҳар бир аъзоси жиноятни худди ўз кўзи билан кўргандек таассурот уйғонарди.

Харлини кўрсатма бериш учун олиб келишганида, у менга айтган гапини кайтарди. У оддий ва аник килиб сўзлади. Шундан сўнг мен унга савол беришни бошладим.

-Ёшингиз нечада, жаноб Пирс?

-Кирк иккида,-жавоб кайтарди Харли.

-Уйланганмисиз?

-Ха.

-Болаларингиз борми?

-Ха.

-Нечта, жаноб Пирс?

-Иккита. Ўғлим ва кизим бор.

-Ёшлари нечада?

-Ўғлим етти ёшда. Кизим бешга кирган.

-Сиз хотинингиз билан уйдан чикиб кетган пайтингизда мархума Шейла Кейнни энага сифатида ёллаганмидингиз?

-Ха.

-Доим уни ёллайсизми?

-Ха.

-Кейн хонимни неча марта энагаликка ёллагансизлар?

-Даярли бир йилдан бери унинг хизматидан фойдаланиб келардик.

-Шу пайтгача у билан бундай воқеа юз бермаган. Агар...

-Эътироз билдираман!-кичкирди округ прокурори.-Химоячи йўл кўрсатмоқда...

-Кабул киламан!-деди судя.

-Кейн хонимнинг ташки кўринишини айтиб бера оласизми?

Харли иккиланиб колди.

-Мен... У малласоч эди.

-Аникми?

-Менимча, кўзлари мовий эди. Аник эсимда йўк.

-Бўйи баландмиди, пастмиди?

-Менимча, ўрта бўйли.

-кўзойнак такармиди?

-Йўк. кўзойнак такмасди.

-Кайси манзилда яшарди?

-Билмайман. У менга каерда яшашини бир марта кўрсатган. Ўшандан буён уйига олиб бориб кўярдим.

-Уни Шейла деб чакирармидингиз, жаноб Пирс?

-Ха, албатта.

-У сизни ким деб чакирарди?

-Жаноб Пирс.

-Рахмат. Бўлди.

Округ прокурори менга каради, сўнг елкасини кисди. Назаримда, у нима килмокчи эканлигимни тушунмаётганди. У тушунмаслиги аник эди. Мен шунчаки Харли Пирсинг хаёлида кизга якинлашиш истаги бўлмаганини кўрсатмокчи эдим. У мархумани тузук-курук тасвирлай хам олмади. Унинг уй манзилини хам билмайди. Улар ўртасида шунчаки катта киши ва ўсмир киз муносабати бўлган, холос. Шейла ва жаноб Пирс. Округ прокурори навбатдаги гувоҳни-Пирс сигарет сотиб олгани кирган «Фламинго» бари барменини чакирди. Бармен кино бўлаётган пайтда эшикдан кўз узмай ўтирганини айтди. У эшикка тикилиб ўтирганини, ўша тунда хеч ким сигарет олгани кирмаганини таъкидлади. У Харли Пирс ичкарига кирганини кўрмаган. Округ прокурори жилмайди ва менга ишора килди.

-«Фламинго» да кино қачон бошланганди?-сўрадим мен.

-Ўнтакам ўн иккида, сер,-деди бармен.

-Кино бўлаётган пайтда кўп ичимлик куйишингизга тўгри келадими?

-Йўк, сер. Аксарият ташриф буюрувчилар кино кўриш билан банд бўладилар.

-Демак, сиз эшикдан кўз узмай ўтиргансиз. Айтмоқчиманки, ҳеч кимга ичкилик куймагансиз.

-Еътироз билдираман,-деди округ прокурори ўрнидан туриб.

-Кабул килинмайди,-деди судя.-Давом этинг.

-Кино кўриш ўрнига эшикдан кўз узмай ўтирдингизми?

-Хўш... мен ҳам кино кўрдим. Айтмоқчиманки, вакти-вакти билан. Лекин асосий вақтимни эшикка караш билан ўтказдим. Ўгри кўп...

-Сигарет сотиладиган автоматга ҳам караб ўтирдингизми?

-Йўк, сер.

-Унда сиз вакти-вакти билан кино кўраётганингизда кимдир автоматдан сигарет олиб кетган бўлиши мумкинми?

-Хар калай...

-Сиз мени ўша куни барда кўрдингизми?

Бармен кўзларини пирпиратди:

-Сизними, сер?

-Ха, мени. Мўйна палто кийган малласоч аёл билан. Мен кино бошланганда виски ичиб ўтиргандим. Мени кўрдингизми?

-Мен... эсимда йўк, сер. Айтмоқчиманки...

-Мен ўша ерда эдим-ку! Мени кўрдингизми?

-Еътироз билдираман! -деди округ прокурори.-Химоячи гувоҳни чалгитмоқчи...

-Мени кўрдингизми-йўкми?

-Малласоч аёл биланми, сер?

-Ха, малласоч аёл билан. Хўш, мени кўрдингизми-йўкми?

-Малласоч аёл бор эди. Сиз унинг ёнида эдим деяпсиз. Айтмоқчиманки... эсимда йўк, аммо...

-Демак, сиз мени кўргансиз?

-Еслолмайман, сер.

-У ерда йўк эдим! Сиз менинг у ерда бўлган-бўлмаганимни эслолмаяпсиз, канакасига жаноб Пирс сигарет олган-олмаганлигини айта оласиз! Бунинг устига, кино кўриб ўтирган бўлсангиз.

-Мен...

-Бошка саволим йўк,-дедим мен.

Залда енгил шовкин кўтарилганини эшитдим ва голиб чикканимни тушундим. Мен округ прокурорининг гувоҳи берган кўрсатмага зарба бердим ва энди суд хайъати гувоҳга ишонмайди. Округ прокурори адашган бўлиши мумкин-ку. Харли кизга ёндиргичини берган бўлиши мумкин-ку. Нимага унинг гаплари рост бўлмаслиги керак? Ахир округ прокурори гумон асосида далил келтиряпти-ку.

Мен сўнгги сўзимда ушбу фикрларни баён этдим. Харлининг виждонли фукаро, оилапарвар эр ва ота эканлигини айтдим. У бир йилдан буён кизнинг хизматидан фойдаланиб келган. Кинога борган, озгина ичиб уйига кайтган. Кизни уйи олдига олиб бориб, ўз уйига кайтган. Кандайдир номаълум шахс кизга хужум қилган. Лекин Харли эмас.

Хайъат аъзолари ярим соатлик муҳокамадан сўнг Харлини айбсиз деб топишди.

\*\*\*

Биз бунни ўша окшомнинг ўзидаёк нишонладик. Харли ва Марсия бизникига келишди, уларнинг болаларига эса кайнонаси караб турадиган бўлди. Биз хазил-хузул килганча ичиб ўтирар, Харли эса тинмай битта гапни кайтарарди:

-Уларга айбдор керак эди, Дейв. Лекин сен бопладинг! Сен айбсиз эканлигимни исботладинг.

У менинг дунёдаги энг яхши адвокат эканлигимни айтди, кейин эса кўшик бошлади, биз эса унга жўр бўлдик. Зиёфатимиз роса кизиган пайтда хонага Бет кириб келди.

У дугоналари билан учрашувдан кайтганди. Бет Марсия ва Харли билан саломлашди, сўнг узр сўраб ўз хонасига кўтарила бошлади.

-Кизинг нечага кирди, Дейв?-сўради Харли.

-Ўн олтига,-жавоб кайтардим мен.

-Чиройли киз бўлибди,-деди у.

Мен Бетнинг зинадан кўтарилишини фахр билан кузатиб турардим. У мен учун хали ҳам маъсум гўдак эди. У зинадан каддини тик тутганча кўтарилиб борарди. Шу пайт Харлига кўзим тушиб колди.

У ҳам Бетдан кўзини узмай караб турарди. У кизимнинг оёкларига сук билан тикилиб турар, хирсга тўла кўзлари кизимга еб кўйгудай бокарди.

У кизим хонасига кириб кетгунча кўзлари ёниб караб турди. Кейин эса бизга каради:

-Хўш, кўшикни давом эттираммизми?

Мен ўзимни ахмок бўлгандай хис килдим. Шунчалик ҳам ахмок бўламанми! Эх!

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.